
ФАРҒОНАДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

Бугун Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганлигининг 28 йиллик байрами муносабати билан тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари ҳамда соҳа ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошқарма шахсий таркибини касб байрами билан қутлаб, тизимда юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган хизматчиларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида тизим янги босқичга кўтарилгани, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси республика миқёсида янги инновацион ғоялар, ташаббусларни жорий қилишда намуна бўлишлиги қайд этилди. Фавқулодда вазиятлар ҳолатида тизим олдида халқимизни ушбу ҳолатларда содир бўладиган вазиятларни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни кучайтириш кераклиги, ҳар бир хонадонга етиб бориш ва бу каби ҳолатлардан аҳолини доимий огоҳ бўлишини таъминлаш кераклиги таъкидланди.

Вазирлик ташкил топганлигининг 28 йиллик байрами муносабати билан вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бир гуруҳ фаол ходимлари самарали ва садоқатли хизматлари учун вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-03-04 11:58:55